

## **Шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази**

**Қорақалпоғистон тиббиёт институти таркибида шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази** мавжуд.

Мазкур **Марказ** ўз фаолиятини 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 29.08.2002 йилдаги 397-сонли буйруғига биноан “Саломатлик-1” лойихаси доирасида умумий амалиёт шифокорларни тайёрлаш учун шифокорлик-ўқув маркази шаклида фаолиятини бошлаган.

Марказда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастурлар асосида умумий амалиёт шифокорларни ўқитилиши бошланган. 2003-2017 йиллар давомида 570 тадан ортиқ умумий амалиёт шифокорлари ва 30тадан ортиқ кафедралар ўқитувчилари 10 ойлик курсларида ўқитилган. Мазкур курс умумий амалиёт шифокорларни тайёрлаш кафедраси таркибида фаолият юритган. Институт ва “Саломатлик-1” лойихаси томонидан ўқув курс керакли жихозлар, компьютерлар, ўқув адабиёти, ўқув муляжлар, ўқув, ёрдамчи ва бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган.

2018 йилдан бошлаб, Марказда умумий амалиёт шифокорлардан ташқари бирламчи тизимдаги фаолият юритаётган шифокорларни қисқа муддатли (36 ва 72-соатли) мавзуи малака ошириш курсларида ўқитилиш йўлга қўйилди.

### **Жумладан:**

“Умумий амалиёт шифокорлар амалиётидаги оториноларингология ва офтальмология долзарб муаммолари” – 72 соат;

“Эндокринология, неврология ва психиатрия долзарб муаммолари” – 72 соат;

“Соғлиқни сақлашни бирламчи тизими шифокорлари учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ПЕН клиник протоколлари асосида ХОБЛ ва тамакидан воз кечиш, артериал гипертония, қандли диабет ва бронхиал астма билан беморларни даволаш ва кузатиш” – 72 соат;

“Умумий амалиёт шифокорлар амалиётидаги кардиология ва пулмонология долзарб муаммолари” – 72 соат;

“Умумий амалиёт шифокорлар амалиётида тиббий ёрдамни ва маслаҳатларни усуллар сифатини ошириш” – 36 соат.

Ушбу курсларда 120-тадан ортиқ умумий амалиёт шифокорлари ўқитилди.

### **Бундан ташқари 2018-2019 йилларда:**

“Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ПЕН клиник протоколлари асосида юқумли бўлмаган касалликларни даволаш ва кузатиш” – 72 соат;

“Соғлиқни сақлашни бирламчи тизими шифокорлари учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ПЕН клиник протоколлари асосида кардиологик ва пулмологик беморларни даволаш ва кузатиш” – 72 соат;

“Умумий амалиёт шифокорлар амалиётидаги неврология ва психиатрия долзарб муаммолари” – 72 соат.

Ушбу курсларда 48-та умумий амалиёт шифокорлари ўқитилди.

### **2019-2020 йилларда:**

“Коронавирус инфекциясида интенсив терапия” – 36 соат, 80-та шифокор ўқитилди.

“Коронавирус инфекцияси олдини олиш ва даволаш асослари” – 36 соат, 12-та ИИВ тиббиёт хизмати шифокорлари ўқитилди.

#### **2020-2021 йилларда:**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 130-сонли буйруғига биноан “Коронавирус инфекция билан касалланган беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва олдини олиш” – 18-соат, он-лайн шаклида 58-та (УАШ-34, реаниматолог 8, неонатолог 9-та, акушер-гинеколог 4-та, хирург 3-та) шифокор ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 85-сонли буйруғига биноан “Коронавирус инфекция билан касалланган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича вақтинчалик тавсиялар (8-версия)” – 18-соат, он-лайн шаклида 335-та (УАШ-163, оилавий поликлиника шифокорлари 33, реаниматолог 47, фтизиатр 24, хирург 35, инфекционист 33) шифокор ўқитилди.

#### **Марказ томонидан 2021-2022 йилларда:**

“Янгиланган 10-версия клиник рекомандациялар бўйича коронавирус инфекция билан касалланган беморларга ташхис қўйиш ва даволаш” 18-соатлик ўқув дастури тайёрланди ва 243-та шифокор (туман тиббиёт бирлашмалар – 140, Республика болалар сил санаторийси – 4, РШТЎИМ Қорақалпоғистон филиали – 57, Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси – 11, оилавий поликлиникалар – 3, Республика болалар юқумли касалликлар шифохонаси - 28) ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.01.2022 йилдаги ПҚ-102 ва ПҚ-103-сонли қарорларига биноан “Оилавий шифокор амалиётида кардиологик ва эндокринологик ёрдамни ташкил этиш” 36-соатли ўқув курси тайёрланди ва 8-та тренер ва 493-та оилавий шифокор ўқитилди.

#### **2022-2023 йилларда:**

“Оилавий шифокор амалиётида кардиологик ва эндокринологик ёрдамни ташкил этиш” 36-соатли ўқув курсида 33-та оилавий шифокор ўқитилди.

“Антенатал парвариш” 36-соатли мавзуи малака ошириш курсида 105-та шифокор (оилавий шифокор - 76, акушер-гинеколог - 29) ўқитилди.

“Соғлом турмуш тарзи” 18-соатли мавзуи малака ошириш курсида 49-та оилавий шифокор ўқитилди.

**2023 йилда факультет шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказига ўзгартирилган.**

**2023-2024 ўқув йили учун Календар режаси** ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.06.2023 йилдаги ПҚ-197 қарорига асосан “Нафас олиш аъзолари касалликлари” 36-соатли мавзуи

малака ошириш курсида 70-та оилавий шифокор ўқитилди ва ўқув жараёни давом этмоқда.

“Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ПЕН клиник протоколлари асосида юқумли бўлмаган касалликлар” ўқув мавзуи семинарлар оилавий шифокорлар учун ўтказилмоқда ва 79-таси ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.07.2022 йилдаги ПҚ-310 қарорига асосан “Атроф мухит ва инсон саломатлиги” ўқув мавзуи семинарлар оилавий шифокорлар учун ўтказилмоқда ва 140-таси ўқитилди.

Мазкур қарорга биноан Марказ томонидан тиббий бригадалар учун 500-тадан ортиқ Соғлом турмуш тарзи бўйича “Тамакини зарари тўғрисида”, “Алкоголни зарари тўғрисида”, “Тўғри овқатланиш тўғрисида” ва “Жисмоний фаоллик” мавзулар бўйича буклетлар тайёрланди ва тарқатилди.

Ўқув жараёнига таалукли ўқув, ўқув-услубий ва бошқа хужжатлар ўрнатилган шакл ва тартибда юритилмоқда. Сертификатлар берилиши йўлга қўйилган.

2024-2025 йилларда Марказда Санкт-Петербург педиатрия университети билан барча мутахассислар учун қўшма малака ошириш “Гирудотерапия”, “Рефлексотерапия” номли 144 соатлик мавзули курслари режалаштирилган.

Хўжалик ҳисобидан Марказда 2024 йлда: оилавий шифокорлар ва акушер-гинекологлар учун 36 соатлик мавзули малака ошириш “Антенатал парвариш” ва “Репродуктив саломатлик” номли курслар, олий фармацевтика маълумотига эга мутахассислар учун 144 соатлик умумий малака ошириш “Дорихона муассасалари иктисодиёти ва фармацевтиканинг долзарб муаммолари” ва педиатр,неонатологлар учун 504 соатлик ихтисослаштириш “Болалар реанимацияси” номли курслари режалиштирилган.

Институтда талабалар ва тингловчилар учун **симуляция маркази** ташкил этилган.

Қорақалпоғистон тиббиёт институти ўқув – симуляцион маркази 2022 – 2023 ўқув йилида ўқув – клиник лаборатория асосида ташкил этилди. Ўқув – симуляцион марказда ўқиш олий таълимнинг жорий этилган дастурлари асосида ташкил этилган. Ўқув – симуляцион маркази Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

Ўқув – симуляцион маркази ҚТИ худудида 4 қаватли бинода жойлашиб, унда симуляцион ўқиш учун 11 хона ажратилган. Марказда педиатрия, даволаш, олий ҳамширалик иши факультетлари талабалари, клиник ординаторлар, магистрлар ва шифокорлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курси шифокорлари амалий кўникмалар ва симуляторларда ўқиши учун мўлжалланган.

Ўқув – симуляцион марказда терапия, кардиология, пульмонология, гастроэнтерология, нефрология, урология, анестезиология – реанимация, жарроҳлик ва лапароскопик жарроҳлик, акушерлик -гинекология, оториноларингология, офтальмология, педиатрия ва бошқада фанлар бўйича

хоналар, ва брифинг, дебрифинг хоналари мавжуд. Барча хоналар 70 ортик замонавий симуляцион муляжлар билан жиҳозланган.

2022 йилда (Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH) дастури асосида 3 ўқув симулятори берилган: тўлиқ таълим тахлили билан лапароскопик жарроҳлик симулятори, Sim Man ALS – госпиталгача босқичда тиббий ёрдам кўрсатиш симулятори, ва УЗИ симулятор.

2023- 2024 ўқув йилида қўйдаги ўқув симуляторларни харид қилиш режалаштирилмоқда: педиатрия, неонатологияда шошилич ёрдам кўрсатиш (симулятор Чарли), акушерлик бўйича – тўғруқни амалга ошириш симулятори - Люсина, неврология, нейрохирургия бўйича - неврологик симулятор - Доуэль, офтальмология бўйича –ОфтоСим, оториноларингология бўйича – ОтоСим, бемор парвариши бўйича – робот симулятор – Джуно, киберпациент симулятори ва бошқалар.

**2025-2026 ўқув йилида ўқув йили учун Календар режаси** ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ТашИУВ томонидан тасдиқланган.

"Оила саломатлиги бўйича махсус ўқув дастури" асосида " Оила Шифокорлиги" мутахассислиги бўйича Ихтисослашув ва малака ошириш гибрид курси" 1440 кредит, 4 –Модульдан иборат 10 ойлик курсда пилот туманига киргизилган Чимбой туманининг 36 нафар оилавий шифокор ўқитилмоқда.

(Ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги "Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-88-сонли фармони ижроси учун мўлжалланган).

Буннан ташқари Бирламчи тиббий-санийтария ёрдами учун бачадон бойни саратони скрининги бўйича тренинг ўтказилди ва 90 та оилавий шифокор, гинеколог, терапевт шифокорлари ўқитилди ( асос О'z RSSV № 97) 27.03.2024. (ЎзР ЖССТ ) ва О'з РССВ № 2025 05-28.22. 084.

Тиббиёт бригадаларига бириктирилган аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тренинг ташкил этилди ва 100 нафар оилавий шифокорлар ўқитилди (асос ПФ №88., ва ПФ №1850)

### **Камчиликлар:**

1. Шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини штат бирлиги етарли эмас. Педагог ва тренерлар етишмайди.

2. Ўқув дастурлар бирламчи тизимдаги оилавий шифокорларга қисқа муддатли мавзуй малака оширишга мўлжалланган.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг таркибий тузилмасидаги муассасалари билан алоқалар етарли эмас.

4. Симуляция маркази жихозланган, лекин айрим асбоб-ускуналар ва муляжлар эскирган, яроқсиз ҳолатга келган.

### **Таклифлар:**

1. Шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказини кенгайтириб, фаолиятини кучайтириш лозим.

2. Шифокорларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази учун педагог ва тренерларни тайёрлаш керак.

3. Республика муассасаларида маркетинг ишларини олиб бориб, ихтиёждан келиб чиққан ҳолда мавжуд ўқув дастурлар ва режаларни қайта ишлаб чиқиш ва кўпайтириш керак.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан алоқаларни кенгайтириб, биргаликда малака оширишга бўлган эҳтиёжни ўрганиб, буюртмани шакллантириш.

5. Ҳалқаро алоқаларни кенгайтириш.

6. Симуляция марказини янги замонавий манекенлар, ўқув ва симуляцион асбоб-ускуналарни билан жихозлаш керак.

**Шифокорлар малакасини ошириш  
ва қайта тайёрлан марказ тренери:**

**Зарипова М.С**